# ШЕЪРИЯТДА ЛИРИК ҚАҲРАМОН РУҲИЯТИ ТАСВИРИ

**М. ХОЛОВА**

*Статья посвящена раскрытию своеобразия душевного состояния лирического героя стихотворений Рауфа Парфи, которого многие считают зачинателем модернисткого течения в современной узбекской поэзии.*

*The article is devoted to the disclosure of specific peculiarities of spiritual state of the lyrical heroes of poems of Rauf Parfi, whom most of the literary critics consider the beginner of modernist trend in the Uzbek poetry.*

Рауф Парфи ўз ижоди билан аср бошида Чўлпон адабий истеъмолга олиб кирган, Ойбек тадрижий ривожлантиришга уринган модерн ифода анъаналарини жонлантириб, замонавий шеърият йўналиши ҳолатига келтирди. Бу шеърият оммалашиб кетмади, миллионлаб мухлисларга эга бўлмади. Аммо Рауф Парфи бошлаб берган ўзбек модерн шеърияти ўтган йиллар давомида дурустгина поэтик йўналишга кириб, бугун ўзига хос услубга айланди. Турсун Али, Б.Рўзимуҳаммад, А.Қутбиддин, Фахриёр, Азиз Саид каби шоирлар ижоди бунга ёрқин мисол бўла олади. Адабиётшунос Ҳ.Болтабоев қайд этганидек: “Ҳозирги адабий давраларда урф бўлган “модерн” сўзининг адабий моҳияти ҳақида сўз юритганда бизнинг шеъриятга ғарбдан юққан “эпидемия” дебгина қараш нафақат мантиқий хатога йўл қўйиш, балки ўзбек шеърининг бугунги мушоҳада табиати ва янги шакллар илинжидаги изланишларни инкор этиш ҳамдир” [1.269]

Дарҳақиқат, давр ўзгарди, одамлар дуёқараши ўзгарди, ижодкорнинг фитратида ўзига хосликлар майдонга келди. Бу эса адабиётга, шеъриятга ўз таъсирини ўтказди.

Умуман олганда, “модерн шеърият тилини уқиш, англаш осон эмас. Бу шеърият дунёсини теран англаш учун айни шу дунё ичида яшаш, унинг одами бўлиш лозим” [2.174] Дарҳақиқат, Рауф Парфи шеърларида лирик қаҳрамон кечинмалари, орзу-интилишлари ўзгача. Унинг шеърларида лирик қаҳрамон ўзининг ўта шахсий, интим туйғуларини ижтимоий ҳаёт билан аралаш, ёнма-ён ифода этади. Чунки у жамиятни ўзидан айри, ўзини эса жамиятдан ташқари кўрмайди. “Аслида шеъриятда лирик қаҳрамон – лирик асарда кечинмалари тасвирланаётган киши, шоирнинг умумжамият учун қимматли ҳис ва фикрини ташувчи шахсдир. У шоир шахси билан эстетик идеалнинг омухтасидир”. Шоир шеърларини кўздан кечирар эканмиз, беихтиёр “шоир шеърларидаги лирик қаҳрамон ким? У шоирми ёки унинг замондоши?” деган саволлар туғилаверади. Биз бу саволларга жавобни шоир шеърларини таҳлил қилиш асносида топишимиз мумкин. “Рауф Парфи шеърлари ўқувчига йўл кўрсатмайди, ақл ўргатмайди. Ҳақиқат қаерда эканини таъкидламайди, балки ўз руҳиятини акс эттиради, ифодалайди” [3.376] Шоир шеърларида ижтимоий ҳаётнинг муайян томонини бадиий тадқиқ қилар экан, асосий эътиборини инсон қалбида кечаётган зиддиятлар, туйғулар товланишини ифодалашга қаратади. У инсон руҳий оламини ранг-баранг кўриниш ва вазиятларда бадиий татбиқ этиб, шу орқали унинг яратувчилик, бунёдкорлик ҳамда борлиқдаги барча содир бўлган, бўлаётган воқеаларга масъулият ҳиссини оширишга интилади. Рауф Парфи шеърларида тасвирланган лирик қаҳрамон давр қувончлари ва ташвишлари билан яшайдиган, тинимсиз изланишда, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилувчи киши сифатида тасвирланади:

Ҳувиллаган уйда сиқилар юрак,
Ғолиб келди охир қора гумонлар.
Мен-да саргардонман, ўзимдан йироқ,
Ҳорғин кўзларимга чўкмиш тумонлар.

Бу мисраларда лирик қаҳрамоннинг кечинмалари шоирнинг фалсафий ўйлари билан қўшилиб кетади. Фалсафий теранлик Рауф Парфининг ўзига хослигини кўрсатувчи услуби бўлиб ҳисобланади. Рауф Парфи лирик қаҳрамони доимо ўзлигини топишга интилади. У ўзлигидан йироқ, сарсон-саргардон. У бир жойдан қўним излайди, лекин топишга қийналади. Буни биз шеърнинг кейинги бандидаги руҳий изтироб тасвири янада кўчайган ҳолатида кўрамиз:

Ҳайҳот, тингламайсан ёнимга қайтиб,
Ортиқ етиб бормас оташин сўзим.
Сен кетиб борасан алвидо айтиб…
Мен эса излайман ўзимни ўзим.

Демак, шоирнинг лирик қаҳрамони ўзини танимоққа уринади, ўзлигини топишга интилади.

Бу интилиш уни чарчатади, қанча чарчамасин, у бари бир ҳаракатда, изланишда, чунки ўзлигини тополмас экан, унда ҳаловат йўқ, у комилликка эриша олмайди…

Шу жараёнда лирик қаҳрамон кечинмалари ривожланиб бораверади, янги оҳанг касб эта бошлайди. Демак, Рауф Парфи шеърларида лирик қаҳрамон руҳиятини англаб етиш, китобхон дидини шакллантиради ва бойитади.

Айланиб тушар қор йўлимга...
Қўлингни қўйгил ёр, қўлимга.

Сен қолдинг муҳр каби лабимда.
Сен – бир дард асабий, қалбимда.

Кўзимга беркитай, ва лекин
Ёшдай оқиб кетма, севгилим.

Асл шеър гўзал ва тоза туйғулардан вужудга келади. Мана шу гўзал туйғулар кўнгилни поклайди, равшанлаштиради ва яшартиради. Шоирнинг ушбу мисраларида худди мана шу фикрлар ўз ифодасини топган. Ҳақиқатдан ҳам бу сатрларда ҳижрондан ўртанаётган ошиқ ҳолати жуда нозик ва гўзал акс эттирилган. Бу нозиклик шеърдаги ноанъанавий ўхшатишлар орқали ўз ифодасини топган. Чунки, сатрлардаги “сен – бир дард асабий, қалбимда” ёки “ёшдай оқиб кетма, севгилим” каби мисралардаги ташбеҳлар шоирдан катта маҳорат талаб қилади ва бу маҳорат шеърнинг эстетик қийматини янада оширади. Бу сатрлар бағридан сизиб чиқаётган лирик қаҳрамоннинг кечинмаси, ҳолати, унинг мунг тўла нидоси китобхонда маюс туйғуни уйғотади. Лирик қаҳрамон дунёсида кечаётган бу кечинмалар ўз-ўзидан, китобхон руҳий оламига ҳам таъсир қилади. Чунки бу мисраларда лирик қаҳрамон изтироби бетакрор жумлалар орқали ифодаланганки, бу бадиий ўхшатишлар шеърни янада гўзал кўринишини беради. Шунингдек, шоирнинг “Олтинга айланар куйчи япроқлар”, “Булутлар қайғудан кетмас қорайиб”, “Аччиқ тажрибалар ортиб тақдирга”, “Юрагим исмингни унутма”, “Шу мантиқсиз зулмат ногирон”, “Ёмғир дунё сингари оғир”, “Зулмат билан жанг қилар ёмғир”, “Виждон шеваси бор, меҳроби иймон”, “Фалакда санчилиб қолган кўзим бор”, “Кўзлари иккита марварид”, “Илиқ табассуминг билан ўласан” каби сатрлари орқали гўзал, дурдона асарлар яратганининг гувоҳи бўламиз. Яна шоир шеърларига мурожаат қилар эканмиз, «Бирга туғилдик-ку, юрагим» деб бошланувчи шеъри шоирнинг ижодида алоҳида ўрин тутади. Бу шеърда лирик қаҳрамоннинг, яъни ўз “мен”ининг руҳий ҳолати таҳлилига тортилади:

Бирга туғилдик-ку, юрагим,
Жаҳонни кезмакка пиёда
Одимларимиз бирдир бизнинг.
Шу бахтли, шу бадбахт дунёда
Одамларимиз бирдир бизнинг.

Шеърда бир-бирига боғлиқлик кўзга аниқ ташланмайди, лекин лирик қаҳрамон кайфияти, руҳий ҳолати, унинг юрагига амри, унга илтижоси орқали тасвирланади, шунингдек, мисраларда тасвирланган сўз ўйини шеърнингоҳангдорлигини янада оширади:

Бирга туғилдик-ку, юрагим,
Насиб этганда ҳам мангулик,
Сен яшайвер, сен меникутма,
Мен-ку исмингман холос, лекин,
Юрагим, исмингни унутма.

Лирик қаҳрамон юрагига “исмингни унутма” дер экан, жисм ва жоннинг бир бутун эканлигини, уларнинг айро ҳолда яшолмаслигини таъкидлайди. Биз Рауф Парфи шеърларини ўрганиш жараёнида бир нарсага амин бўламизки, ижодкор анъанавийликдан қочади [4.] Бу ҳол эса шеъриятда турли бетакрор образлар ва кутилмаган ташбеҳлар яратилишига олиб келади. Шоирнинг муҳаббат ҳақидаги шеърлари фақат мазмун кўлами билан эмас, балки ифода тарзи билан ҳам ўзига хос ва ўта таъсирлидир. Бу йўлдаги шеърларда шоир шахсиятига хос сифатлар ёркин намоён бўлади. Туйғулар ўзининг энг мувофиқ ва маъқул ифода шаклини топади. Шунингдек, шоирнинг “Бир қушча деразам ёнида” деб бошланувчи шеърида ҳам худди юқоридаги мисралар каби такрорланмас жумлалар ўз ифодасини топган. Шоир бу шеъри орқали лирик кечинмаларини, қушчанинг ҳолатини ўзгача манзаралар тасвири орқали ифодалайди:

Бир қушча деразам ёнида
Ўтирар паришон ва ғариб,
Йиғлайди, кўзлари ёнади,
Кўзлари иккита марварид.

Бу сатрларда шоир қушчанинг ҳолатини нозик ўхшатиш воситасида гўзал тасвирлайди. Изтироб чекаётган қушча ғариб, бечора кўринади, у йиғламоқда. Мана шу ҳолатни шоир, яъни унинг йиғлаётган кўзларини марваридга қиёслайди. Бу бетакрорли эса шоир бадиий оламининг кенглигидан

далолат беради. Ёки шеърнинг кейинги бандига мурожаат қиламиз:

Бир ажиб навога ўхшайди,
Шоирга ўхшайди бир ҳассос.
Мискин соз чалмоққа у шайдир,
Дардига бордир-ку бир асос.

Ижодкор оддий инсондан фарқли ўлароқ, ҳар бир манзарадан ўзгача маъно уқа олади. Хусусан, шоир қушчанинг ҳолатини ҳассос шоирнинг паришон ҳолатиги менгзайди ва шу орқали ўзгача фикрий манзаралар чиза олади. Шеър ниҳоясида лирик қаҳрамон ҳам ғам чекмоқда. Чунки у ҳам беҳаловат қушчанинг озор чекишига нима сабаб бўлганидан бехабар. У ҳам қушча билан бирга изтироб чекмоқда, у ҳам йиғламоқда. Зеро, шеъриятнинг қудрати ҳам, сеҳри ҳам мана шунда:

Мен унга қарайман оҳиста,
Мен қушча ҳолига йиғлайман.
Билмайман ва лекин не истар,
Билмайман, ҳеч қачон билмайман.

Бу мисраларда лирик қаҳрамоннинг кечинмалари китобхоннинг руҳий ҳолати билан қўшилиб кетади. Бу эса Рауф Парфи ижодининг асосини ташкил қилади. Умуман олганда, яхши шеър ер юзидаги ғуборларни тозалайдиган ёмғирга – Аллоҳнинг раҳмат сувига ўхшайди. Ундан баҳра оладиган инсон қалби ёмғир ювган оламдек тиниқлашади. Шоирнинг эстетик олами, бадиий тафаккури сўз воситасида гўзаллик яратади. Қайси йўлдан бўлмасин, адабиёт кишини гўзаллик сари етаклайди. Яъни шеър қайғуни тараннум этса-да, севинчни куйласа-да, алалоқибат, идрокни гўзаллаштиради, кўнгилларни қондиради.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Рауф Парфининг самимий шеърияти покиза кўнгилнинг ҳолатини ифодалаш эҳтиёжи ва натижаси ўлароқ юзага келди. Шоир ўзининг сермаҳсул ижоди билан ўзбек шеърияти ривожига катта ҳисса қўшди. Шу сабабли ҳам Рауф Парфи шеърияти умрбоқийдир.

**Адабиётлар:**

1. Норматов У. Ижод сеҳри.- Т.: Шарқ, 2007.
2. Султон И. Адабиёт назарияси.- Т.: Ўқитувчи, 2005
3. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз.- Т.: Янги аср авлоди, 2006.
4. Парфи Р. Хотирот.- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975
5. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик.- Т.: Шарқ, 2007.
6. Тўйчиев У. Лирик тур белгилари // Адабий тур ва жанрлар. 3 ж. 2-ж.- Т.: Фан, 1992

*Самарқанд давлат чет тиллар институти*
*2012 йил 4 февралда қабул қилинган*
*(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)*